

АПРЕЛЬ
ЕР САЙЁРАСИ-УМУМИЙ УЙИМИЗ

Гуруҳ	Ўрта					
Мавзу	Ер сайёраси куни					
Муддати	Апрель ойининг 3-хафтаси					
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Уч гилдиракли велосипедда учишни, оёқ учида, товонда, орқа билан, оёқ кафтининг ташқи томони ва тиззасини баланд кўтарган ҳолда юриш олиш малакаларини ривожлантириш. Мустақил тарзда юз-кўлларини ювиб сочикдан тўғри фойдаланишни ўргатиш.				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Саломлашиш, хайрлашиш, муассасаси ходимларини исми ва отасининг исми бўйича чақириш, катталарнинг гапига аралашмаслик, илтимосни мулойимлик билан ифодалаш, кўрсатилган хизмат учун раҳмат айтишни ўргатиш.				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Тинглаш, диққат, хотира, расмлар бўйича ҳикоя тузиш, қушларга таъриф бера олиш малакаларини, ривожлантириш. 3 ва Ж товушларини тўғри талаффуз қилишга ўргатиш.				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Буюмларни кенглигига кўра таққослаш, “цилиндр” геометрик шакл билан таништириш, 5 гача сони ичида арифметик мисоллар ечиш; тезкорлик, ҳаракатлар чакқонлиги, диққатни ривожлантириш				
	Ижодий ривожланиш	Катталар ёрдамида бармоқли театрни сахналаштириш, тасвирий фаолиятнинг бўртириш ва мўйқаламни босиб олиш усуллари билан таништириш.				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш, яшаш ва математика	Ер расмини тўпланг				Турли пазл ва расмлар.
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Далаларни бирга кезиш мароқли				Расмлар, АКТ, мавзу бўйича ўйинчоқлар тўплами.
	Тил ва нутқ	Таълимий ўйин: Тўртинчиси ортиқча		3 ва Ж товушлари		“Тўртинчиси ортиқча” таълимий ўйини, 3 ва Ж товушларидан бошланувчи предметлар тасвирланган расмли карточкалар
	Фан ва табиат	Бўрон, шамол, шабада				Шамолли, шамолсиз ҳавони ифодаловчи расм, паррак, елпиғичлар.
	Санъат	Лой: Куёнча учун сабзи		Аппликация: Ҳаво шари	Расм: Самолётлар	Намуна, конселиярия жиҳозлари
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

АПРЕЛЬ. УЧИНЧИ ҲАФТА ЕР САЙЁРАСИ КУНИ

Қуриш, ясаш ва математика маркази

Ер расмини тўпланг

Мақсад: болалар думалоқ –ҳажмга эга бўлган геометрик шакл ҳақида тушунчани мустаҳкамлайдилар, ер -умумий уйимиз, инсон эса табиатнинг бир қисми эканлиги ҳақида тасаввурга эгабўладилар, глобус билан танишадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пазллар, ер (планета) тасвирланган расмлар, глобус.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Шеърни ўқиш:
Она сайёрамиз бой неъматларга,
Тоғлару ўрмонлар, далалари бор.
Еримиз бошпана, биз одамларга
Ҳеч қачон бермаймиз биз унга озор.
Асрайлик ердаги бор жонзотларни,
Боғлару, гуллар-ла безайлик уни.
Шунда сайёрамиз яшайди мангу
Бағрида сақлайди бор одамзотни.
3. Глобус-ер-сайёрасининг кичик тасвири билан таништириш.
4. Думалоқ геометрик шакл ҳақида тушунчани мустаҳкамлаш.
5. “Расмни йиғ” таълимий ўйини.
6. Болалар ишларининг таҳлили.

Қўшимча: бадий адабиётни ўқиш, иллюстрацияларни томоша қилиш.

Эътибор молик жиҳати: болаларни атроф-муҳитга масъулиятли, эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази

Сюжетли-ролли ўйин: Далаларни бирга кезиш мароқли

Мақсад: болалар ўйин сюжетида кўра турли ролларни бажарадилар, диалогли нутқни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар:расмлар, АКТ, мавзу бўйича ўйинлар тўплами.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қуёшли майдонга саёҳат.
2. “Қуёш ва ёмғир” таълимий ўйини.
3. “Жилға билан учрашув” расмини томоша қилиш.
4. “Қайиқча” бармоқли ўйини.
5. Ролларни тақсимлаш.
6. Сюжетни ривожлантириш.

Қўшимча: мавзу бўйича шеърлар ўқиш ва ёдлаш, “Қувноқ ўйин” расми асосида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: жамоада биргаликда ўйнаш, ўкин қоидаларига риоя қилиш, дўстона муносабат, ўзаро ёрдам.

Тил ва нутқ маркази

“Тўртинчиси ортиқча” таълимий ўйини

Мақсад: болалар буюмларни муҳим белгиларига кўра таснифлай оладилар, ҳашаротлар ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлайдилар, луғат бойлигини оширадилар, идрок этиш, тасаввурни шакллантирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар бир бола учун 4 тадан карточка

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйинни режалаштириш.
2. Шаблонларни томоша қилиш.
3. “Нима учадди, нима ўрмалайди, нима тишлайди?” таълимий ўйини.
4. Болаларнинг мустақил ўйини.

Қўшимча: ҳашаротлар номлари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш, тўғри талаффуз этишлари

Эътиборга молик жиҳати: билишга оид соҳани ривожантириш.

Тил ва нутқ маркази

З ва Ж товушлари

Мақсад: болалар ўзларда З ва Ж товушларини аниқлай оладилар. З ва Ж товушлари иштирок этган расмларни топа оладилар, сўзларда товушларни тўғри талаффуз этадилар

Керакли жиҳоз ва материаллар: табиат, ҳашаротлар тасвирланган расмлар, қўнғиз тасвирланган ва кесилган расмлар, номланишида З ва Ж товушлари иштирок этган сўзлар ифодаланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Қувноқ тил” эртаги.
2. “Қўнғизлар” таълимий ўйини.
3. “Нима учун гулдаста куйлайди” шеъри.
4. “Мойчечакли майсазор” бармоқлар иштирокида ўйин.

Қўшимча: боғ бўйича саёҳат, ҳашаротларни кузатиш, АКТ дан фойдаланиб табиатдаги товушларни тинглаш.

Эътиборга молик жиҳати: тинглаш қобилияти, жамоа бўлиб ўйнаш лаёқати.

Фан ва табиат маркази

Бўрон, шамол, шабада

Мақсад: болалар шамол пайдо бўлиш сабабини биладилар. Англашга оид вазифаларни бажарадилар ва хулоса чиқарадилар. Атрофдаги олам ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: вентилятор, елпиғич, парраклар, найчалар.

1. Топишмоқлар айтиш, шеърларни ўқиш.
2. “Шамол, сен қандайсан?” таълимий ўйини.
3. “Бўрон” таълимий ўйини.
4. Амалий тажрибалар:

1-амалий тажриба: Елпиғич ёрдамида енгил шабада эсишини, унинг юзимизга майин хуш ёқиши.

2-амалий тажриба: Вентилятор ёрдамида уч хил шамол турини ҳосил қилиш.

3-амалий тажриба: Стакандаги сувга най ёрдамида пуфлаб, сувнинг ҳаракатга келиши, қанчалик кучли пуфланса, шунчалик сув қаттиқ ҳаракатга келишини кузатиш.

Қўшимча: мультипликацион фильмни томоша қилиш. Шамол кучи ҳақида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: машқлар пайтида ҳаракатланиш маданиятини тарбиялаш.

Санъат маркази

Лой иши: Қуёнча учун сабзи

Мақсад: болалар лой ёки пластилиндан чўзинчоқ шакллар ясай оладилар, деталларни эзиш йўли билан бирлаштирадилар, иш пайтида ёйиш, узиб олиш усуллари билан фойдаланадилар.

Керакли жихозлар ва материаллар: ўртача бўлақларга бўлинган лой ёки тўқ сариқ рангли пластилин, яшил рангли пластилин, лой ишини олиб бориш учун мўлжалланган тахтача(ёки клёнка), ўйинчоқ қуёнча, сават.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сабзавотлар ҳақидаги топишмоқларни топиш.
2. Сюрпризли дақиқа.
3. “Бир қуёнча бор эди” бармоқлар иштирокида ўйин.
4. Болаларнинг мустақил ишлари.
5. Болалар ишлари кўргазмаси ва таҳлили, рағбатлантириш.

Қўшимча: иллюстрацияларни томоша қилиш, топишмоқларни топиш.

Эътиборга молик жиҳати: лой ва пластилин билан тўғри ишлаш, ҳар икки қўлнинг мувофиқ ишлашига эътибор қаратиш. Иш пайтида дўстона муносабатга эришиш.

Санъат маркази

Аппликация: Ҳаво шари

Мақсад: болалар алоҳида деталлардан яхлит нарсаярата оладилар, қоғоздан кесиб, айрим деталларни қўша оладилар.

Керакли жихоз ва материаллар: мольберт, Буратино қўғирчоғи, АКТ, А4 варағи, рангли қоғоз, елим, қайчи, мўйқалам, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сюрприз дақиқа.
2. Топишмоқлар (ҳаво транспортлари).
3. Слайдлар намойиши.
4. “Буратино” бармоқли ўйини.
5. Болаларнинг мустақил ишлари.
6. Болалар ишлари кўргазмаси ва таҳлили.

Қўшимча: меҳнат қилиш ҳақида бадиий адабиёт ўқиш, топишмоқлар.

Эътиборга молик жиҳати: қайчи билан тўғри ишлаш, қоғозда деталларни тўғри жойлаштириш, чиройли ёпиштириш. Ишни бажариш пайтида жамоада аҳил ишлаш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Расм: Самолётлар

Мақсад: болалар овал шаклидан фойдаланиб самолёт расмини чиза оладилар, тасвирни қоғозда (қоғоз марказида) тўғри жойлаштириш, расм чизиш ва бўяш усуллари билан эгайдилар.

Керакли жихоз ва материаллар: А-4 ҳажмли қоғоз варақлари, қаламлар, бўёқлар, гуашь, мўйқаламлар, сувли банкалар, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Самолёт ҳақидаги топишмоқ. Учиб бораётган самолётдан нималарни кўриш мумкин?
2. Самолётлар тасвирланган расмларни томоша қилиш.

3. «Самолёт» бармоқлар иштирокида ўйин.
4. Болаларнинг мустақил ишлари.
5. Болалар ишлари кўргазмаси ва таҳлили.

Қўшимча: “Ҳаво транспорти” альбомини томоша қилиш. Бадий адабиётни ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: тенгдошлари билан ўйин давомида дўстона мулоқотда бўлишига эришиш, расм чизишда тасаввури ва тафаккурни ривожлантириш.